ЧЕТ ЭЛ НАШРЛАРИДА

# ОЛАМ УЗРА НОМИ КЕТГАН ЎЗБЕКИСТОН, ЎЗБЕГИМ...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Журнал ўтаётган йил Юртбошимиз томонидан Оила йили деб эълон қилингани ҳақида сўз юритиб, ўзбек оиласининг ботиний салоҳиятини шарафлайди: "Етмиш йилдан ортиқ ҳукм сурган шўро истибдоди ҳам ўзбек оиласи меъёрларини ўзгартира олмади, — дейди журналист, — имонимиз комилки, ўзбек оиласининг юксак тарбиявий илдизлари қўшни, қардош мамлакатлар, шу жумладан, Покистон учун ҳам, шубҳасиз, тараққиёт асоси бўлиб хизмат қилишга муносиб...

Ҳар бир ҳовлида мўъжаз бўлса-да, мевали боғ бор, — дея давом этади у. — Имом Бухорий, Ибн Сино, Алишер Навоий ва Мирзо Улуғбек Ватани бўлган бу юрт нафақат беадад маъданлар заҳирасига эга, айни пайтда тенгсиз маданият, илму маърифат ўчоғи ҳамдир. Назаримда, бу — ҳам ақлий, ҳам диний юксалиш минтақамиздаги бошқа мусулмонларга ибрат бўлгуликдир".

Журнал қадим Бухоро ва Хива шаҳарларининг дунё миқёсида нишонлаган 25ОО йиллик тўйи, уларнинг тарихи, 223 километр масофага чўзилган Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилиши, унинг истиқболлари, Тошкент метрополитени янги йўналишидаги қурилишлар, юртимизнинг навқирон автомобилсозлик, самолётсозлик, олтин, нефть ва газ саноати, Зариповлар сулоласининг миллий циркчилик мактаби, шунингдек, "Президент кубоги" халқаро теннис мусобақалари, спортимизнинг чақноқ юлдузлари ҳақида ёркин ҳикоя қилган, бири-биридан жозибали рангли суратлар эса мамлакат ҳаётининг турли қирралари ҳақидаги тушунчаларни янада бойитади ва улар бир бутун ҳолида бугунги Ўзбекистон ҳақида журналхонда яхлит тасаввур ҳосил қилади.

Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки куниданоқ хорижий ишбилармонларга қучоғини кенг очди, деб ёзади "Медиа Таймс": "Бу юрт дунёдаги ноёб маъдан заҳираларига бой энг бадавлат ўн мамлакатнинг бири ҳисобланади. Ундаги маъданлар қиймати 1.92 триллион фунт стерлинг деб баҳоланган... Ўзбекистон олтин ишлаб чиқариш миқёсида дунёдаги йирик етти мамлакатнинг бири, олтин заҳиралари бўйича у бешинчи ўринда туради..."

Журнал Ўзбекистоннинг чексиз имкониятлари, хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда яратилган йирик қўшма корхоналар, улар жаҳон андозаларига мос равишда ишлаб чиқараётган рақобатбардош маҳсулотлар, сайёҳликни беҳад ривожлантириш мумкинлиги ҳақида мароқ билан ҳикоя қилган ва, албатта, истиқлол шарофати билан амалга оширилаётган бу кўламли ўзгаришлар Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб олиб бораётган оқилона сиёсати маҳсули сифатида баҳоланган.

— Кундан-кунга ривожланиб бораётган, бизнес имкониятлари бениҳоя улкан бўлган Ўзбекистон бугунги кунда бутун дунё эътиборини ўзига тортмоқда,— дейди журнал ходими жаноб Чоудхри Ҳамид Маҳмуд. — Ўзбекистон —- улкан иқтисодий салоҳиятга эга бўлган давлат. У Осиё ва Оврупони боғловчи кўприкдир.

Мустақилликдан сўнг Ўзбекистон спортчилари жаҳон чемпионатлари, жаҳон кубоги ҳамда халқаро мусобақаларда, Осиё чемпионатларида 399 та медални қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Улар Ватанига олиб келган медалларнинг 131 таси олтин, 126 таси эса кумушдир, дея қайд этади "Медиа Таймс".

"Тошкентда, Бухоро ва Самарқандни айланганда, маданий мерос ва маънавий уйғонишнинг шоҳиди бўлдим", деб ёзади журнал ходими, сўнг у қадим Самарқандга кўрк бағишлаб турган Шоҳи Зинда, Гўри Амир, Бибихоним, Регистон мажмуи, Шаҳрисабздаги муҳташам Оқсарой, шунингдек, Амир Темур ва темурий шаҳзодалар ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилади.

Журнал миллий адабиёт намояндалари ижодига ҳам алоҳида ўрин ажратган. Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг озодликка ташна руҳдаги шеърияти ҳақидаги мақола, табиийки, покистонлик журналхонларда катта қизиқиш уйғотади. Шунингдек, журнал лаҳорлик Тоҳир Аслом Гора "Ўзбек шеърияти антологияси"ни нашрдан чиқараётгани, Алишер Навоий ҳазратларининг ғазаллар мажмуи нашрга тайёрланаётгани, Эркин Воҳидовнинг "Олтин девор" комедияси "Ал Ҳамра" театри саҳнасида намойиш этилаётгани ҳақида маълумот беради, ўз навбатида бу адабиётимизга бўлган муҳаббатни намоён этса, покистонлик Аббос Хоннинг "Буюк ипак йўли очилиши арафасида" туркум бадиалари, Изҳор ул Ҳақ, Чоудхри Ҳамид Маҳмуд, Файсал Зоҳид Малик сингари соҳиби қаламларнинг мустақил Ўзбекистон ҳаётидаги маънавий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар, Президент Ислом Каримов юритаётган ички ва ташқи сиёсат, Ватанимизнинг қадим тарихи, асори атиқалар, замонавий улуғвор қурилишлар ҳақидаги қатор мақолалар покистонликларнинг юртимизга бўлган қизиқиши чексиз эканлигини ўзида ифода этади.

Покистонлик ҳамкасбимиз юртимизнинг салоҳияти, кўркам табиати, халқимизнинг олижаноб фазилатлари улуғланган мақоласини шундай номлаган: "Бу гўшадан ҳеч ким кўнгли тўлмай чиқиб кетмаган!"

Бу гап бежиз айтилаётгани йўқ. Бу — шу юртга меҳр, бу — эҳтиром, чин дилдан айтилган инсоний эътироф бу!

**Ғаффор ҲОТАМОВ**



# ДАВЛАТОБОД ЧИРОЙ ОЧАДИ

***Бир вақтлар Наманганнинг Давлатобод туманидаги тўқимачилар яшаши учун мўлжалланган шаҳарча аслида шундайлигича, ўзгармай қолди. Орада деярли қирқ йил ўтган бўлса ҳам, у шаҳар ичидаги ўзига хос шаҳарчалигича қолмоқда.***







Вилоят марказидаги саноат корхоналарининг учдан бир қисми шу туман ҳудудида жойлашган. Сўнгги тўрт йил ичидагина бу ерда хорижий инвесторлар билан биргаликда ташкил этилган бешта қўшма корхона очилди. Туманда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга тижорат тузилмалари ҳам ҳисса қўшмоқда. Нисбатан катта бўлмаган бу ҳудудда тўрт юздан ортиқ кичик корхоналар ва фирмалар ишлаб турибди. Уларнинг кўпчилиги бошқа жойларда бўлгани каби савдо-воситачилик операциялари билан эмас, балки бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан, аҳолига турли хизмат кўрсатиш билан шуғулланмоқда.

Масалан, "Сотволди ҳожи", "Зилол", "Туркистон" фирмаларининг усталари ясаётган мебелларга вилоятнинг ўзидангина эмас, республикамизнинг бошқа минтақаларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Туман ҳудудида шиша ва сопол буюмлар ишлаб чиқариш, автомобилларни таъмирлаш, қандолат маҳсулотлари тайёрлаш билан шуғулланаётган фирмаларнинг иши ҳам муваффақиятли бўлмоқда. Сўнгги вақтда аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатувчи, қурилиш-таъмирлаш ишларини бажарувчи кичик корхоналар ҳам кўпайди. Вилоят бўйича бир йилда бир кишига ўртача 2079 сўмлик хизмат кўрсатилаётган бўлса, Давлатобод туманида бу кўрсаткич 7045 сўмга етди.

Саноат ва тадбиркорликнинг юксалиши ижтимоий соҳани ривожлантиришга омил бўлди. Туман қиёфаси кун сайин ўзгармоқда. Янги қаҳвахоналар, барлар, ошхоналар, магазинлар очилмоқда. Аҳоли сонига нисбатан уларнинг миқдори жиҳатидан Давлатобод тумани вилоят марказини ҳам орқада қолдириб кетди.

Туманнинг қиёфасини ўзгартирган янгиликлардан бири бу ердаги 12 та маҳалланинг ҳар бири ҳудудида очилган гузарлардир. Аҳолиси асосан кўп қаватли уйларда яшайдиган туман учун бундай маданий-маиший хизмат мажмуалари катта аҳамиятга эга.

Кўп қаватли уйларда яшовчилар эндиликда тўйларни, бошқа оилавий тадбирларни қаерда ўтказиш тўғрисида бош қотиришмайди. Қаҳвахоналари ва ошхоналари бўлган "Ал машриқ-95" ва "Чархпалак" хусусий фирмалари аҳолига бундай хизмат кўрсатишни зиммасига олган. Дарвоқе бу ғояни шу ерда яшовчи кишилар туман ҳокимлиги мунтазам ташкил этадиган учрашувлардан бирида айтган эдилар.

— Бундай учрашувлар одамларни ташвишга солаётган муаммоларни яхшироқ билиб олишимизга ёрдам бермоқда, — деди туман ҳокими Муҳиддин Турсунов. — Биз бундай муаммоларни ҳал этишга, одамлар кўрсатган камчилик ва нуқсонларни тугатишга ҳаракат қиляпмиз. Масалан, коммунал-маиший хизмат ишини яхшилаш масалалари одамларни жуда ташвишга солмоқда. Туманда ишлаб турган "Фарангис" тантаналар уйига қўшимча равишда ўсмирлар учун алоҳида дискотека очилди. Бундан ташқари, туманимизда жуда яхши спорт базаси мавжуд. Республикамиздаги энг яхши бассейнлардан бири шу ерда жойлашган, бошқа спорт иншоотлари, жумладан велотрек, ипподром ишлаб турибди.



Сўнгги йилларда бу ерда катта ўзгаришлар бўлганига қарамай, туман ҳокими Муҳиддин Турсунов ўзгаришлар бундан ҳам улканроқ бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Ҳокимнинг фикрича, бунга саноатнинг, тадбиркорликнинг янада ривожланиши кафолат бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги вақтда саноат корхоналарини кўпайтириш эмас, балки мавжуд салоҳиятдан мумкин қадар тўла фойдаланиш энг муҳим масала бўлиб турибди.

Ҳолбуки, туман бюджетига тушумни айни шундай корхоналар таъминлайди, бюджет тушумларининг асосий қисмини кейинчалик ижтимоий соҳани ривожлантиришга, ободончилик ишларига сарфлаш мумкин бўлади. Бу хусусда туман ҳокимлигининг режалари жуда катта. Маҳаллий ҳокимият асосий кўчаларни қайта қуриб бўлгандан сўнг, уй-жой даҳаларини янгилашни бошлаб юборишни мўлжалламоқда. Зарур жойларда эса болалар спорт майдончалари қурилишини бошлаш кўзда тутилмоқда.

Туман ҳокимлигининг режаларидан бири амалга оширилмоқда, яъни янги савдо мажмуи қурилмоқда. Бу қурилишни маблағ билан таъминлашни тижорат тузилмалари ўз зиммасига олган. Улар бу борада яхши тажриба орттирганлар. Туман тадбиркорлари ҳисобидан ўнлаб турли иншоотлар - қаҳвахоналар, магазинлар, гузарлар, маиший хизмат мажмуалари, автомобилларга хизмат кўрсатиш пунктлари барпо этилган. Кўп қаватли уйларнинг ёнида қад кўтарган бу иншоотлар туманнинг қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Лекин қурилиш суръати қанчалик жадал бўлмасин, туманнинг ҳозирги ҳаётини фақат қурилиш белгиламайди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида сайловлар давом этмоқда. Туман аҳолиси бу воқеага жиддий муносабатда бўлишга ўрганиб қолган, зеро маҳалла йиғинларига бошчилик қилувчи кишилар қанчалик серғайрат, моҳир ва адолатли бўлса, кўпгина муаммолар шу қадар муваффақиятли ҳал этилади. Давлатободликлар бу органларга ўз номзодларини кўрсатиб сайлай бошладилар. Келгусида туман кўчалари ва хиёбонлари янада кўркам ва сўлим бўлибгина қолмай, одамларнинг ҳаёти янада фаровон бўлишига аҳоли қатъий ишонадилар.

**Н. ХЎЖАЕВА,**
**Т. МАҲКАМОВ олган суратлар.**

# ТЕКШИРУВ ҚИММАТГА ТУШДИ

## Ёки бир тадбиркорга назоратчиларнинг асоссиз аралашуви натижасида етказилган иқтисодий зарар хусусида

Хабардормиз, «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» Фармон қабул қилинди. Унда мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар, хўжалик юритувчи ҳамда тадбиркорлик тизилмалари фаолиятини текширишни тартибга солиш, текширишлар сонини камайтириш, турли назорат органлари томонидан уларнинг хўжалик фаолиятига иқтисодий зарар етказувчи асоссиз аралашувга йўл қўймаслик ҳақида қатъий талаб қўйилди. Энди ўйлаймизки, палапартиш текширувлар мутлақ бўлмайди.

**Ўзбекистон Республикаси номи билан Жиззах вилоят хўжалик суди қарор қилади:**

**«Даъвогар – Пахтакор тумани «Семья» фермер хўжалиги фойдасига жавобгар – шу туман Давлат солиқ инспекциясидан 500 минг 800 сўм ундирилсин».**

Бу ҳал қилув қарори Жиззах вилоят хўжалик суди томонидан жорий йилнинг 28 апрель кунида чиқарилган.

Ажабланарсиз, Давлат солиқ органи ҳам хўжалик судига жавобгар тариқасида жалб этиладими, деб?

Ҳа, жалб этилади. Қонун олдида ҳамма баробар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракати устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Конституциянинг 114-моддасида суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги алоҳида кўрсатилиб қўйилган.

Жиззах вилоят хўжалик судининг «Семья» фермер хўжалигининг даъво аризаси юзасидан чиқарган бу ҳал қилув қарори устидан апелляция ва кассация тартибида юқори босқичдаги хўжалик судига аризалар ва ҳаттоки прокурор протести ҳам киритилди.

Аммо, улар рад этилди ва хўжалик судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилди.

Шунинг билан бирга, мансаб ваколати доирасидан четга чиқиб, фермер хўжалиги манфаатларига кўп миқдорда зарар етказишга сабаб бўлган Пахтакор туман Давлат солиқ инспекциясининг собиқ бошлиғи Х. Кенжаевга нисбатан хўжалик суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 206-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатиш ҳақида ажрим чиқарилди ва тергов қилиш учун вилоят прокуратурасига юборилди.

Хўжалик судининг бундай қарор ва ажрим чиқаришга асос бўлган даъво ишидаги мавжуд ҳужжатлар билан танишиб чиқилса, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 5-моддасида белгиланган – одил судловни амалга оширишда хўжалик судининг судьялари мустақилдирлар ва қонунга буйсунадилар, деб ўрнатган қоиданинг амалда ўз ифодасини топганига ишонч ҳосил қиласиз.

«Семья» фермер хўжалиги бошлиғи О. Пак судга йўллаган ўз даъво аризасида, у қонун асосида рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатиб ишлаётган бир пайтда, 1997 йил 7 январида Пахтакор тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Х. Кенжаевнинг ўзи ва яна уч ходими билан биргаликда унинг хўжалигида текшириш ўтказганлигини таъкидлайди. Натижада фермернинг трактор ҳайдовчиси Р. Нуриллаевга бириктилган, ферманинг хусусий мулки бўлган, ЮМЗ-80 тракторини, трактор аравасини, чизель ва бошқа эҳтиёт қисмларни зўравонлик билан, асоссиз равишда тортиб олинади. Сўнг уларни А. Икромов номли деҳқон фермер уюшмасининг марказий устахонасига қонунсиз топшириб қўйгани ҳақида ёзган. Қайтариб беришни сўраб қилган мурожаатларига, маҳаллий ҳокимият топшириғини рўкач қилиб, бу техникаларни қайтариб бермагани, натижада бир неча юз бош чорва ҳайвонлари таъминоти қийин аҳволга тушиб қолганлиги, техникаларни четдан ёллаб ишлатишга мажбур бўлганлиги, шу пайтнинг ўзида, унинг тракторини жамоа хўжалигида ва техникалари туман коммунал хизмат кўрсатиш бўлими хўжалигида ишлатилиб келингани, улар бузуқ ҳолатда бир ярим ойдан сўнг қайтариб берилгани ҳақида куйиниб ёзади. Унга етказилган иқтисодий зарарни ундириб беришни сўрайди.

Даъво аризани, туман Давлат солиқ инспекцияси раҳбарлари иштирокида хўжалик судида кўриб чиқиш жараёнида, аризада келтирилган барча қонун бузилиш ҳолатлари ўз исботини топди. Хусусий фермерга солиқ инспекцияси айби билан 500 минг 800 сўм миқдорида иқтисодий зарар етказилганлиги аниқланди ва ундириб бериш ҳақида юқорида зикр этилган ҳал қилув қарори чиқарилди.

Тадбиркор фаолиятига асоссиз аралашиб, унга иқтисодий зарар келтирган давлат органи раҳбари жазоланиши муқаррар, албатта.

Юртбошимизнинг 1998 йил 19 ноябрда «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонининг асосий талаби ҳам шундан иборат.

Эндиликда тадбиркор, чўчиб ишлашдан холос бўлди.

Фармонга асосан, текширишлар фақат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг қарорига биноан режа асосидаги тартибда солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан йилига кўпи билан бир марта амалга ошириладиган бўлди.

Республика Олий хўжалик судининг Раёсати шу йил 26 ноябрда ушбу Фармон талабларидан хўжалик судлари учун келиб чиқадиган вазифалар ҳақидаги масалани махсус муҳокама этди ва аниқ тадбирлар белгиланди.

Унда хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг ҳуқуқий маданиятини юқори кўтаришга ва назорат органларининг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларини бузиш сабабларини мунтазам таҳлил этиб боришга, уларни тугатиш чораларини кўришга қаратилган вазифалар кўзда тутилди ва жойлардаги хўжалик судларига тавсиялар берилди.

Фармон талабларининг аниқ бажарилиши – мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ҳақидаги конституцион тамойилнинг амалдаги ифодасидир.

**Вали ҚОСИМОВ,**
**Олий хўжалик суди Ташкилий бошқармаси бошлиғи, Республикада хизмат кўрсатган юрист.**

"ХАЛҚ СЎЗИ" ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

# РАҲБАРИЯТНИНГ УЗРИ

***Фуқаро Р. Холдорова таҳририятга йўллаган хатида 199-сонли Тошкент — Иркутск йўналиши бўйлаб қатнайдиган поезднинг 16-вагон хизматчисининг ўз вазифасига нописанд муносабатда бўлганлигидан шикоят қилган эди. Мазкур арзнома кўриб чиқиш ва тегишли тадбирлар белгилаш учун "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат-акциядорлик темир йўл компаниясига юборилганди.***



Яқинда шу компания раисининг ўринбосари жаноб В. Бахолдиндан таҳририятга жавоб мактуб келди. Унда айтилишича, йўловчи Р. Холдорованинг аризаси компания томонидан кўриб чиқилган. Текшириш ишларини йўловчилар ташиш вагонларини таъмирлаш ва улардан фойдаланиш маъмурияти олиб борган. Вагон кузатувчиси Б. Рўзиев йўловчининг қўшимча юклари учун пул таъма қилмаганлигини, балки уларга қонуний ҳақ тўлаб, расмийлаштиришни талаб этганлигини айтди. Аслида кузатувчининг талаби асосли эмасди. Мазкур келишмовчилар поезд бошлиғи Д. Раҳимов бу ишга аралашгач, ҳал қилинган.

Ўз хизмат бурчига зид равишда йўловчиларга хизмат кўрсатиш жараёнида қўпол муомалада бўлганлиги учун Б. Рўзиевга ўртача ойлик маошининг 40 фоизи миқдорида жарима солинган. Поезд бошлиғи Д. Раҳимов бундан аввал унинг тўғрисида тушган ҳужжатларга асосан ўз вазифасидан озод қилинган. Юз берган ана шу ҳолатлар поезд бригадалари ўртасида муҳокама этилган.

Давлат-акционерлик темир йўл компанияси раҳбарияти газета орқали вагон кузатувчисининг қўпол муомалада бўлганлиги ҳамда поездда бўлган вақтида ноқулайлик юз берганлиги учун йўловчи Р. Холдоровадан узр сўрайди. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш борасида бундан буён юқорида баён этилган ҳолатларнинг юз бермаслиги учун зарур бўлган ҳамма чоралар кўрилади, деб сизларни ишонтирамиз, деб якунлайди компаниянинг раис ўринбосари таҳририятга йўллаган жавоб мактубини.

ИЗЛАНИШ

# ЎН МИЛЛИОН СЎМНИ... КИМ БЕРАРДИ

Пахта илгари ғарамдан тўғридан-тўғри тозалаш цехига, цехдан бош корпус - чигитдан толани ажратиш мосламаларига қувурлар орқали ҳаво босими остида узатилар эди. Ҳаво босимини ҳосил қилиш учун эса соатига 372 киловатт (вентилятор ва сепараторни қўшиб ҳисоблаганда) электр энергия сарф қилинарди.

"Шўрчи пахта" ҳиссадорлик жамияти Сурхондарёда биринчилар қаторида пахтани узатиш технологиясини қайта жиҳозлади. Мақсад - электр энергиясини тежаш. Эндиликда иш жараёнида винтли узатгичлардан фойдаланиляпти. Бу русумдаги узатгичлар 7 киловат-қувватга эга бўлган моторлар билан ҳаракатга келтирилади. Тозалаш жараёнида шунақа мотордан ўнтаси ишлатилади, демакки, соатига 70 киловатт соат энергияни тежашга эришилмоқда. Маълум бўлишича, бу аввалги технология кўрсаткичидан 302 киловатт-соатга кам.

Корхона йилига 30минг тонна атрофида пахтани қайта ишлайди. Бунинг учун узатиш мосламалари ўртача 6500 соат айланиб турмоғи керак. Шу ҳисобдан жамият, билсангиз, бир йилда 10 миллион сўмлик электр энергиясини иқтисод қилиши аниқланди.

**О. УСАНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 8 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 67,22 | 100 Италия лираси | 6,58 | 1 Финляндия маркаси | 21,43 |
| 1 Австрия шиллинги | 9,26 | 1 Канада доллари | 71,13 | 1 Франция франки | 19,41 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 181,26 | 1 Хитой юани | 13,17 | 1 Швеция кронаси | 13,48 |
| 10 Бельгия франки | 31,52 | 1 Қувайт динори | 360,46 | 1 Швейцария франки | 79,72 |
| 1 Голландия гульдени | 57,74 | 100 Ливан фунти | 7,26 | 1 ЭКЮ | 127,70 |
| 10 Греция драхмаси | 3,87 | 1 Малайзия ринггити | 28,70 | 10 Жанубий Корея вони | 0,90 |
| 1 Дания кронаси | 17,14 | 1 Германия маркаси | 65,15 | 10 Япония иенаси | 9,19 |
| 1 БАА дирхами | 29,69 | 1 Норвегия кронаси | 14,70 | 1 Россия рубли | 5,57 |
| 1 АҚШ доллари | 109,04 | 1 Польша злотийси | 31,33 | 1 Украина гривнаси | 31,82 |
| 1 Миср фунти | 32,02 | 10 Португалия эскудоси | 6,35 | 1000 Беларусь рубли | 1,27 |
| 1 Ирландия фунти | 161,80 | 1 Сингапур доллари | 65,77 | 1 Латвия лати | 188,98 |
| 1 Исландия кронаси | 1,57 | 1 СДР | 152,42 | 1 Литва лити | 27,26 |
| 10 Испания песети | 7,65 | 1000 Туркия лираси | 0,36 | 1 Молдава лейи | 12,64 |
| | | | | 1 Қирғизистон соми | 3,77 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БАРЧА ТАДБИРКОРЛАРИ ВА МУВАФФАҚИЯТЛИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН ИШБИЛАРМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА !

**Ўз корхонангизни очиш имкониятини бой берманг!**

**Ўзбекистон Миллий банкида Осиё тараққиёт банки кредит йўналиши ҳисобидан хорижий валютада кредитлар берилади.**

**Таклифимиз эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида ўз кучини сақлаб туради.**

**Ўзмиллийбанк танлов эълон қилади ва намунавий лойиҳаларнинг қуйидаги турларини таклиф этади:**

- Германиянинг "Thissen" фирмаси ишлаб чиқарган кичик завод. Кунига 2500 литр сутни қайта ишлаб, сут маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган, бу кичик заводни сотиб олиш учун 200 минг АҚШ доллари миқдорида кредит берилади.

**Буюртмачи олдига қўйиладиган асосий талаблар**

Молиявий талаблар:
ўз сармояси $ 66.666
жумладан пул маблағлари $ 10.400

Техник талаблар:
ишлаб чиқариш майдони ер, 200 м2
электр энергияси қуввати 25 кВт

Асосий хомашё
сут (ёғлиқлиги 3,8%) кунига 2500-3000 л

- Германиянинг "Thissen" фирмаси ишлаб чиқарган машина-ускуналар. Кунига 5 тонна хомашё (олма, нок ва ҳ.к.)ни қайта ишлаб, мева шарбатлари тайёрлашга мўлжалланган бундай машина-ускуналарни сотиб олиш учун 246.700 АҚШ доллари миқдорида кредит берилади;

**Буюртмачи олдига қўйиладиган асосий талаблар**

Молиявий талаблар:
ўз сармояси $ 131.000
жумладан пул маблағлари $ 119.000

Техник талаблар:
ишлаб чиқариш майдони ер, 200 м2
электр энергияси қуввати 50 кВт

Асосий хомашё
мевалар (олма, нок ва ҳ.к.) кунига 5 тонна

**Танловда қатнашиш истагини билдирганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:**

- тўлдирилган тендер буюртманомаси (ТБ1 шакл);
- иштирокчи шарт-шароитига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган лойиҳа техник-иқтисодий асосномаси;
- кредит миқдорининг камида 120%га тенг қийматдаги гаров таъминоти тўғрисида маълумот;
- танлов иштирокчиси ва ёки лойиҳа ҳомийларининг 3 йил учун чоракма-чорак тузилган бухгалтерия ҳисоботлари (1,2,5-шакллар), шунингдек уларнинг бизнес-режалари. Мазкур бизнес-режаларда иштирокчининг лойиҳани молиялаш учун етарли ўз сармояси борлиги тасдиқланган бўлиши, агар маблағ етарли бўлмаса, иштирокчининг сармоясига етмаётган сумма қўшилгани тўғрисида «Бизнес-фонд» берган ҳужжат тақдим этилиши зарур;
- танлов иштирокчисининг таъсис шартномасидан ва уставидан олинган нусха;
- маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур хомашё ва материаллар етказиб бериш ҳамда тайёрланган маҳсулотни сотиш тўғрисидаги ниятлар баённомаси, шунингдек муфассал маркетинг тадқиқотлари;
- янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун лойиҳанинг барча ўлчамларига мос келадиган бино ҳамда уни реконструкциялаш учун маблағлар борлиги тўғрисида муфассал маълумот;
- танлов комиссияси ҳисоб варағига 10 минг сўм қўйилганини тасдиқловчи ҳужжат ёки ана шу суммага банк берган кафолатнома нусхаси.

NBU

**Агар Сизда ана шу лойиҳаларни амалга оширишга қизиқиш уйғонган бўлса, қуйидаги манзилларга мурожаат қилинг:**

**Намунавий лойиҳаларни Сизнинг шароитингизга мослаштириш масалалари бўйича**
"Ўзинвестлойиҳа" РИКнинг Мониторинг бошқармасига
700000, Пушкин кўчаси, 88
тел.: (371)133-63-43, 68-53-24, 68-52-36
факс: (371)120-66-41 ёки
Компаниянинг ҳар қандай бўлимига

**Танлов шартлари ва тендер буюртмаларини қабул қилиш бўйича**
Ўзмиллийбанк Лойиҳаларни молиялаш марказининг Кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиялаш бошқармасига,

700084, Амир Темур кўчаси, 101,
тел.: (371)137-59-47, 137-62-73, 137-62-74, 137-62-75,
факс (3712)34-04-53 ёки Банкнинг исталган бўлими ва филиалига.

**Танловда қатнашишга тайёргарлик кўришда ёрдам олиш учун**
жойлардаги Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликлари вилоят уюшмаларига.

11 © 1228

